# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 10 январь, № 5 (6963) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИ РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 9 январь куни ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, тегишли вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Бугун мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва кундалик ҳаётга изчил жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили рақамли телевидение қамрови 88 фоиздан 100 фоизга етказилди. Мобиль алоқадан фойдаланувчилар сони 7 фоиз ошиб, 22,8 миллионга етди. 2017 йилда ахборот технологиялари соҳасида 7,7 триллион сўмлик ёки 2016 йилдагига нисбатан 26 фоиз кўп хизмат кўрсатилди. Инвестиция дастури доирасида 260 миллион доллар ўзлаштирилди.

Йиғилишда эришилган натижалар алоҳида қайд этилар экан, 2018 йилда ва яқин истиқболда амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар ҳақида ҳам сўз борди.

Президентимиз ахборот технологиялари соҳасида ҳали қилинадиган ишлар кўплиги, эришилган натижалар бошқа давлатларга қараганда анча паст кўрсаткичда эканини таъкидлади.

Мисол учун, ахборот технологиялари соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши Жанубий Кореяда 9 фоиз, Японияда 5,5 фоиз, Хитой ва Ҳиндистонда 4,7 фоиз, Ўзбекистонда атиги 2,2 фоизни ташкил этади. Буни ахборот-коммуникация ривожланиш индекси рейтингидаги 176 мамлакат орасида Ўзбекистон 95-ўринда экани ҳам исботлаб турибди.

Йиғилишда интернет тармоғига уланиш қамровини кенгайтириш ва тезлигини ошириш, дастурий таъминот, телекоммуникация соҳасида етакчи хорижий компаниялар билан алоқа ўрнатиш, "Электрон ҳукумат" тизимини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Интернетдан 20 миллион аҳоли фойдаланади, деб ҳисобот бергансизлар. Бироқ миллий интернет орқали таклиф этиладиган хизматлар доираси жуда чекланганi сабабли аҳолининг аксарият қисми интернетдан фақат "Телеграм"да ёзишма учун фойдаланади холос, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда МДҲ давлатлари бўйича интернетнинг ўртача тезлиги бизникидан 10 марта юқорилиги қайд этилди. Алоқа операторлари чекка ҳудудларда, автомобиль ва темир йўлларга яқин ҳудудларда телекоммуникацияларни кенгайтиришга сармоя киритмаётгани таъкидланди.

Мутасаддиларга интернет нархини кескин арзонлаштириш, тезлигини камида 4 баробар ошириш, 2020 йилгача эса МДҲ давлатлари даражасига етказиш чора-тадбирларини кўриш бўйича зарур топшириқлар берилди.

Бугун "Хавфсиз шаҳар" ягона комплексини яратиш дастурига мувофиқ, лойиҳа концепцияси ишлаб чиқилди. Унга кўра, Тошкент шаҳрида 16 мингдан ортиқ видеокамералар ўрнатиш, Маълумотларни қайта ишлаш маркази ва Ситуация марказларини ташкил этиш белгиланган. Шунингдек, "Хавфсиз туризм", "Хавфсиз ҳудуд", "112" тизими, олий таълим муассасаларига имтиҳон топшириш жараёнларига видеокузатув ҳамда йўл ҳаракати қоидалари бузилишларини рўйхатга олиш тизимларини жорий этиш кўзда тутилган.

Йиғилишда "Хавфсиз ҳудуд" ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги Фармонига асосан ташкил этилган "Мирзо Улуғбек инновация маркази"да 140 дан ортиқ корхоналарга резидент мақоми берилиб, уларда айни вақтда 1000 дан ортиқ дастурчи мутахассислар ишламоқда. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида энг замонавий технологиялар ва таълим услублари кенг жорий этилмоқда.

2018 йилда халқаро тажрибани, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши тенденцияларини инобатга олган ҳолда, "2018 — 2021 йилларда "Электрон ҳукумат" тизимини янада ривожлантириш стратегияси"ни ишлаб чиқиш, "Мирзо Улуғбек инновация маркази" резидентлари томонидан кўрсатиладиган ишлар ва хизматлар ҳажмини камида 2 баробар ҳамда экспорт ҳажмини 1,8 баробар ошириш, резидентлар учун чет эл компаниялари билан ҳамкорлик қилиш ва янги бозорларга чиқишда кўмаклашиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Шунингдек, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетини уч йил ичида жаҳондаги энг обрўли 1000 университет сафига киритишни таъминлаш, соҳанинг етакчи университет ва компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг хорижда стажировкада бўлиш ва малака оширишини кенг ташкил этиш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва бунинг учун миллий кадрлар тайёрлаш ишлари ҳали талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. Мутасаддиларга дунёнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги йирик корпорациялари билан рақобатлаша оладиган миллий оператор ва дастурчиларимиз фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда "Ўзбектелеком" компаниясининг иш самарадорлигини ошириш, телекоммуникация тармоқлари орқали халқаро телефон сўзлашувини ноқонуний амалга ошираётган субъектларга нисбатан молиявий жазо чораларини қўллаш, халқаро тажриба асосида почта тизимини тубдан қайта кўриб чиқиб, янада ривожлантириш, ахборот хавфсизлиги концепциясини ишлаб чиқиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 18 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тасдиқлансин.*

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси тўғрисида»**ги 105–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 180-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 9 январь
№ ЎРҚ—458

**Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасининг матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилинади.*

Ўзбекистон — Тожикистон:

# Савдо-иқтисодий алоқалар мустаҳкамланмоқда

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган очиқ, дўстона ва прагматик ташқи сиёсат хорижий мамлакатлар, айниқса, қўшни давлатлар билан самарали ҳамкорликни ривожлантиришда нурли уфқларни очмоқда.*
*Зеро, охирги бир йилда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан ўзаро ишонч ва манфаатлар ҳисобга олинган ҳолда, тобора мустаҳкамланиб бораётган алоқалар Ўзбекистонимиз нуфузи янада ортиб, экспорт салоҳияти, инвестициявий жозибадорлиги ошишига хизмат қилаяпти.*
*Буни Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилгани мисолида яққол кўриш мумкин.*

**ҲАМКОРЛИК**

Дарҳақиқат, кейинги пайтда икки азалий дўст ва қардош халқнинг савдо-сармоявий ҳамда иқтисодий муносабатлари ҳар томонлама кенгайиб, умумтараққиётга, янги савдо йўллари очилишига пойдевор бўлмоқда. 2017 йилнинг апрель ойида Душанбе шаҳрида ўтган Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари маҳсулотларининг миллий кўргазмаси ҳамда мамлакатларимиз ишбилармон доираларининг бизнес форуми бу борада муҳим қадам бўлди. Мазкур тадбирлар якунида умумий қиймати 50 миллион АҚШ долларилик савдо шартномалари ҳамда инвестиция битимлари имзоланди.

2017 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳри мезбонлик қилган Тожикистон Республикаси саноат корхоналари маҳсулотларининг миллий кўргазма-ярмаркаси эса ушбу йўналишдаги ҳамкорликка янгича мазмун бағишлади. Бинобарин, мазкур нуфузли анжумандан кўзланган мақсад ҳам аслида шу — давлатларимиз ишбилармонлари ўртасида савдо-сармоявий алоқаларни йўлга қўйиш ва кенгайтиришга кўмаклашиш, биргаликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтиришдан иборатдир.

2016 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 18 фоиз ўсгани, ўтган йилнинг тўққиз ойида ўсиш кўрсаткичи 25 фоизни ташкил этгани ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар натижаларидир. Тожикистонда юртимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар, маиший техника жиҳозлари, тўқимачилик ва енгил саноат, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб, айниқса, юқори.

— Ўзбекистон билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганимиз ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жалб этиш, модернизациялаш тадбирларини сифатли амалга ошириш, пировардида фаолиятимизни кенгайтиришда қўл келаяпти, — дея эътироф этганди "Ўзэкспомарказ" мажмуасида маҳсулотлари кенг намойиш этилган "ПО Нассочии Точик" масъулияти чекланган жамияти бош директори ўринбосари Абдумавлон Абдуллоев. — Бизнинг корхонамиз мамлакатимиз енгил саноат тизимидаги энг йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланади. Пахта толасини қайта ишлайдиган замонавий ускуналарни олис юртлардан эмас, айнан сизнинг мамлакатингиз, аниқроғи, "Rieter Uzbekistan" корхонасидан харид қилаяпмиз.

(Давоми 4-бетда).




**БУНЁДКОРЛИК**

*Қарши — Термиз темир йўл линиясида электрлаштириш ишлари якунланиб, илк йўловчи поезди қатнай бошлади.*
*Илгари пойтахтимиздан чиққан йўловчи поезди Термизга 15-16 соат давомида етиб келар эди. Атиги беш ой ичида рўёбга чиқарилган мазкур лойиҳа туфайли бу вақт қарийб 3 соат қисқарди.*

Қарши — Термиз:

# Харажат ҳам, вақт ҳам қисқарди

Шу билан бирга, ёнилғи харажатлари камайтирилиб, атроф-муҳит мусаффолиги таъминланади. Юк ташиш ҳажми эса 2 баравар ортади. Локомотивлар сўнгги русумдаги ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган. Бу эса уларни бошқаришда бир қанча кулайликларни яратади.

— Бундан ташқари, олдин қатновни амалга ошириш учун олд ва орқа томондан тепловозларнинг ёрдамига эҳтиёж сезиларди, — дейди 1-тоифали машинист Азиз Мўсинов. — Эндиликда бунга ҳожат қолмади. Замонавий электровозларимиз 20 тагача вагонни бемалол торта олади.




Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Умумий узунлиги 325 километрдан иборат Қарши — Термиз темир йўл линиясини электрлаштириш ишлари Янги йил арафасида тўлиқ ниҳоясига етказилди. Ўтган давр мобайнида ушбу масофада жами 6 та нимстанция барпо этилди. Лойиҳанинг ҳаётий рўёби учун эса жами 327,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди.

Мазкур лойиҳа туфайли поездлардан фойдаланиш сарф-харажатлари камайтирилиб, йўловчи ҳамда юкларни манзилига етказиш тезлиги, иқтисодий тежамкорлик ва соҳа имкониятлари янада оширилди. Шу маънода, Қарши — Термиз темир йўл линиясининг модернизация қилиниши нафақат мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида, балки қўшни давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашда ҳам айни муддаодир, десак, асло муболаға бўлмайди.

**Илҳом РАҲМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбек академиги — Хитойнинг нуфузли мукофоти соҳиби

*Шу кунларда Ўзбекистоннинг илмий салоҳияти яна бир бор халқаро даражада эътироф қозонди. Пекинда Хитой Халқ Республикасининг илм-фан ва техника жабҳасидаги давлат мукофотлари ҳамда "Илм-фан ва технологиялар соҳасидаги халқаро ҳамкорлик — 2017" нуфузли мукофотини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.*

**ЭЪТИРОФ**

Мукофот соҳибларини тақдирлаш маросимида ХХР Раиси Си Цзиньпин, Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Сиёсий бюро аъзолари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

Етти нафар хорижлик олим халқаро илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун махсус мукофот лауреатлари бўлишди. Улар орасида юртдошимиз — ўзбек олими, биохимик, академик Шавкат Солиҳов ҳам бор. Ўзбекистонлик олимга ушбу давлат мукофотини ХХР Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Кэцян топширди.

Ўзбек академиги билан бирга, америкаликлар Эдвард Палмер (физик, Луизиана штати университети профессори), Чжан Шучэн (Стэнфорд университети назарий физика профессори), Ши Ян (Гарвард университети профессори), Томас Спанос (Райс университети профессори), британиялик олим Филипп Коатэс, швециялик тадқиқотчи Чэн Дэлян сингари таниқли мутахассислар ҳам мазкур мукофотга сазовор бўлдилар.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 18 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Гаров тўғрисида»**ги 736–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 156-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) **28-моддаси** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда гаровдаги мол-мулкни реализация қилиш бўйича кимошди савдолари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда электрон онлайн-аукцион шаклида ўтказилади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

(Давоми 2, 3, 4-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

«Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ва бошқа буюмларни ишлаб чиқариш».

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **23-модданинг учинчи қисмидаги** «беш» деган сўз «ўн беш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **24-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Суд ёки бошқа орган ижро ҳужжатида йўл қўйилган нуқсонларни қайтарилган ижро ҳужжати келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида бартараф қилади ва уни такроран давлат ижрочисига юборади»;

3) **42¹-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«42¹-модда. Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш**

Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Давлат ижрочисининг қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори катта давлат ижрочиси томонидан тасдиқланади. Мазкур қарорнинг кўчирма нусхалари қарздор жисмоний шахсга (агар унинг турган жойи маълум бўлса), ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқаролик бўлимига (бошқармасига) ҳамда Давлат чегарасини қўриқлаш органларига юборилади.

Агар ижро ҳужжати суд ҳужжати бўлмаса ва суд ҳужжати асосида берилмаган бўлса, ундирувчи қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Давлат ижрочисининг қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин.

Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашга асос бўлган ижро ҳужжатининг талаблари амалда ижро этилганда ёхуд у бўйича ижро иши юритиш ушбу Қонунда белгиланган асосларга кўра тугатилганда ёки тамомланганда, давлат ижрочиси кейинги кундан кечиктирмасдан қарздор жисмоний шахсни, ички ишлар органларини ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларини қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини чеклаш олиб ташланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар олдиндан тўланган ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномаси тузилган бўлса, давлат ижрочиси тўлов ёки гаров шартномаси тўғрисидаги тегишли ҳужжат олинган куннинг эртасидан кечиктирмасдан манфаатдор шахсларни, ички ишлар органларини ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларини қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини чеклаш олиб ташланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади. Бунда гаров қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз эллик бараваридан кам бўлмаслиги лозим.

Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек чиқиб кетишга чеклашни олиб ташлаш учун алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан давлат ижрочиларининг, ички ишлар органлари ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларининг ҳамкорлиги тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан белгиланади»;

4) **56-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «кимошди савдосида» деган сўзлар «электрон онлайн-аукционларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи — ўн тўртинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **учинчи — ўн учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Автомототранспорт воситаларини, кўчмас мулкни, шу жумладан ер участкасини, қурилиши тугалланмаган объектларни, кўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқларини, ер участкасига нисбатан мулкий ҳуқуқларни, интеллектуал фаолият натижаларига ва хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга бўлган мулкий ҳуқуқларни реализация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли оператор томонидан электрон онлайн-аукционларда амалга оширилади.

Мол-мулкни шартнома-воситачилик асосларида реализация қиладиган савдо ташкилотларини танлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов асосида амалга оширилади.

Агар савдо ташкилотларига реализация қилиш учун топширилган мол-мулк у топширилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида реализация қилинмаса, мазкур мол-мулк давлат ижрочиси томонидан қуйидаги тартибда арзонлаштирилиши керак:

давлат солиқ хизмати органи ва молия органи вакиллари иштирокида мол-мулк қийматининг 10 фоизидан ошмаган миқдорда — давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича;

мол-мулк қийматининг 10 фоизи миқдорида — бошқа ижро ҳужжатлари бўйича.

Мол-мулк арзонлаштирилганда давлат ижрочиси белгиланган тартибда далолатнома тузади, шундан сўнг арзонлаштирилган мол-мулк савдо ташкилотларига такроран реализация қилиш учун топширилади. Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича мазкур мол-мулкни реализация қилишда мол-мулк арзонлаштирилмайди ва у биринчи баҳоланган нарх бўйича савдо ташкилоти томонидан такроран реализация қилишга топширилади.

Мол-мулк такрорий электрон онлайн-аукционларда реализация қилинмаганлиги муносабати билан ваколатли оператор томонидан қайтарилган тақдирда ёки такроран реализация қилиш учун савдо ташкилотларига топширилган бошқа мол-мулк ўттиз кун мобайнида реализация қилинмаган тақдирда, у мол-мулк нархининг 10 фоизига арзонлаштирилган нархда ундирувчига таклиф қилинади, давлат даромадига ижро ҳужжатлари бўйича ундириш қаратилган мол-мулк эса ушбу моддада белгиланган тартибда яна арзонлаштирилиши ва реализация қилишга топширилиши лозим. Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича ушбу мол-мулк реализация қилинмаган тақдирда, давлат ижрочиси гаровга олувчига мол-мулкни такрорий аукцион шаклидаги кимошди савдоларидаги ёки савдо ташкилотларининг такрорий реализация қилишидаги бошланғич сотиш нархидан 10 фоизга камайтирилган суммада ўзида қолдиришни таклиф қилади.

Қимматли қоғозлар қимматли қоғозларнинг биржа бозорларида ва уюшган биржадан ташқари бозорларида реализация қилиниши керак. Улар давлат ижрочиси билан тузилган шартнома асосида фаолият юритувчи инвестиция воситачиси — брокер томонидан кимошди савдосига қўйилади. Қимматли қоғозлар арзонлаштирилмайди ва икки ой мобайнида бир неча марта кимошди савдосига қўйилади. Қимматли қоғозлар мазкур муддатда реализация қилинмаган тақдирда, давлат ижрочиси ундирувчига ушбу қимматли қоғозларни уларнинг брокер томонидан кимошди савдосига қўйилган охирги кимошди савдоси кунининг охирги кимошди савдоси соатидаги ўртача нархида ўзида қолдиришни таклиф этади.

Давлат ижрочисининг реализация қилинмаган мол-мулкни ўзида қолдириш ҳақидаги ушбу модданинг еттинчи ва саккизинчи қисмларида назарда тутилган таклифи давлат ижрочиси томонидан тегишли мол-мулк реализация қилинмаганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ундирувчига юборилиши керак. Бир навбатдаги талаблар бўйича бир нечта ундирувчи мавжуд бўлган тақдирда, таклифлар давлат ижрочиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларига ижро ҳужжатларининг келиб тушиши навбатига кўра ундирувчиларга юборилади. Агар мол-мулкнинг давлат ижрочиси томонидан таклиф қилинган баҳоси ижро ҳужжати бўйича ундирувчига тўланиши лозим бўлган суммадан ортиқ бўлса, ундирувчи реализация қилинмаган мол-мулкни ўзида қолдиришга тегишли фарқни бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органининг депозит ҳисобварағига тўлаган (ўтказган) тақдирда ҳақли, бу ҳақда таклифда кўрсатиб ўтилади. Ундирувчи реализация қилинмаган мол-мулкни ўзида қолдириш тўғрисидаги қарори ҳақида давлат ижрочисини таклифни олган кундан эътиборан беш кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ундирувчи мол-мулкни ўзида қолдиришдан воз кечган ёхуд бу ҳақдаги ўз қарорини белгиланган муддатда ёзма шаклда тақдим этмаган тақдирда мол-мулк ижро харажатлари, шу жумладан мол-мулкни олиб қўйиш, баҳолаш ва реализация қилиш бўйича қилинган харажатлар ундирилган ҳолда қарздорга қайтарилади. Ундирувчи — гаровга олувчи реализация қилинмаган гаровга қўйилган мол-мулкни ўзида қолдиришдан воз кечганда ёхуд белгиланган муддатда ўз қарорини ёзма шаклда тақдим этмаганда, ижро иши юритиш ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш билан тамомланади, реализация қилинмаган бошқа мол-мулк бўйича ижро иши юритиш эса қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўзга мол-мулк мавжуд бўлмаса, ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш билан тамомланади.

Олиб қўйилган ва реализация қилинмаган мол-мулк қарздор қарзини ва давлат ижрочиси мол-мулкни олиб қўйиш, баҳолаш ва реализация қилиш билан боғлиқ ҳолда қилган харажатларнинг ўрни тўлиқ қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ундирувни амалга ошираётган давлат ижрочисига тақдим этган тақдирда ҳам қарздорга қайтарилади.

Реализация қилинган мол-мулкни мол-мулкнинг баҳоси тўлиқ тўлангунига қадар харидорларга бериб юбориш, шунингдек тўловни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) шарти билан реализация қилиш савдо ташкилотларига ва давлат ижрочиларига тақиқланади.

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилиш хусусиятлари, шунингдек кўчмас мулкни узоқ муддатга ижарага олиш ҳуқуқларини, қарздорнинг ер участкаларига, интеллектуал фаолият натижаларига ва хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга бўлган мулкий ҳуқуқларини реализация қилиш тартиби ушбу Қонун талаблари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

5) **63-модданинг**:

**номидаги «Аукцион шаклидаги кимошди савдоларини»** деган сўзлар **«Электрон онлайн-аукционларни»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи**, **иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мол-мулкнинг ва мулкий ҳуқуқларнинг айрим турларини реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционлар ваколатли оператор томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

Ваколатли оператор билан тузилган шартнома ва электрон онлайн-аукционга қўйиладиган мол-мулкнинг ёки мулкий ҳуқуқнинг дастлабки (бошланғич) баҳоси кўрсатилган буюртманома электрон онлайн-аукционни ўтказиш учун асос бўлади.

Буюртманомага қуйидагилар илова қилинади:

ижро ҳужжатининг кўчирма нусхаси;

мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқни хатлаш далолатномасининг ёки қарорининг кўчирма нусхаси;

мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқни баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ёки давлат ижрочисининг мол-мулкни баҳолаш тўғрисидаги қарори ёхуд уларни баҳолаш қиймати кўрсатилган суд қарорининг кўчирма нусхаси;

мол-мулкнинг тоифасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори томонидан тасдиқланадиган регламентда назарда тутилган мол-мулкни тавсифловчи ҳужжатлар»;

**тўртинчи**, **бешинчи** ва **олтинчи қисмларидаги** «суд» деган сўз «давлат» деган сўз билан алмаштирилсин;

**еттинчи** ва **саккизинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дастлабки электрон онлайн-аукционлар нархнинг ошиб бориши принципи, такрорий электрон онлайн-аукционлар эса нархнинг тушиб бориши принципи бўйича ўтказилади.

Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади»;

6) **71-модданинг биринчи қисмидаги** «беш кунлик» деган сўзлар «ўн беш кунлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган **«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»**ги 310–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) **38-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органининг ҳамда коллегиал ижро этувчи органининг, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари бошқарув органларининг аъзолари, жамият томонидан ташкил этилган унитар корхонанинг раҳбари ҳамда айни шу шўъба, тобе хўжалик жамиятларида ва унитар корхонада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши мумкин эмас».

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»**ги 432–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-модданинг биринчи**, **иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар тегишинча «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг», «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **18-модда биринчи қисмининг 8** ва **9-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8) давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Сенат ва унинг Кенгаши, Сенат қўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитади;

9) давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Сенат қарорларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганади».

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»**ги 434–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-модданинг биринчи**, **иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар тегишинча «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг», «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **18-модда биринчи қисмининг 11** ва **12-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши, Қонунчилик палатаси қўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитади;

12) давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Қонунчилик палатаси қарорларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганади».

**17-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси қўмиталарида муҳокама қилиш очиқ, қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти вакиллари, фуқаролик жамияти институтларининг ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари таклиф этилган ҳолда ўтказилади. Муҳокамаларга олимлар, мутахассислар ҳам таклиф этилиши мумкин»;

2) **15-модданинг**:

**еттинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин: «Бунда энг муҳим ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасининг уни биринчи ўқишда қабул қилиш ҳақидаги қарорига мувофиқ қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида кенг муҳокамага, шу жумладан жойларда фуқаролар иштирокидаги кенг муҳокамага чиқарилиши мумкин»;

**тўққизинчи** ва **ўнинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Масъул қўмита маромига етказилган қонун лойиҳаси бўйича фикрлар ва таклифларни олганидан сўнг уларнинг муҳокамасини қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти вакиллари, фуқаролик жамияти институтларининг ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари иштирокида ташкил этади. Муҳокамаларга олимлар, мутахассислар ҳам таклиф этилиши мумкин.

Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари, ўз дастурий мақсадли вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаларининг жойларда фуқаролар иштирокидаги муҳокамасини ҳамда улар бўйича келиб тушган таклифларни ўрганишни сиёсий партиялар тегишли ташкилотларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳудудий бўлимларининг ходимларини жалб этган ҳолда ташкил этади. Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари ўрганишлар якунларига кўра келиб тушган фикрлар ва таклифларни ўз мажлисларида муҳокама қилади, ўз дастурий мақсадли вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таклифлар ишлаб чиқади, улар масъул қўмитага юборилади»;

3) **32-модданинг биринчи**, **олтинчи** ва **еттинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар тегишинча «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг», «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **32¹-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар тегишинча «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг», «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) қуйидаги мазмундаги **33²-модда** билан тўлдирилсин:

**«33²-модда. Ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш**

Қонунчилик палатаси, қоида тариқасида, бир ойда бир марта ўз мажлисида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитади (бундан буён матнда «ҳукумат соати» деб юритилади).

«Ҳукумат соати»ни ўтказиш жадвали Ўзбекистон Республикаси Бош вазири билан келишилган ҳолда Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан белгиланади.

Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳукумат аъзоларига саволлари Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан «ҳукумат соати»ни ўтказишдан камида ўн кун олдин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси саволлар рўйхатидан келиб чиққан ҳолда «ҳукумат соати»да Қонунчилик палатаси депутатларининг саволларига жавоб берадиган ҳукумат аъзоларини белгилайди.

«Ҳукумат соати» якунлари бўйича Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилиниши мумкин»;

6) **33² — 33⁹-моддалар** тегишинча **33³ — 33¹⁰-моддалар** деб ҳисоблансин;

7) **33⁵-модданинг**:

**учинчи қисмидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича Қонунчилик палатасининг қўмиталари қарорлар қабул қилади, қарорлар тегишли давлат органига, хўжалик бошқаруви органига юборилади»;

**бешинчи қисмидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **33⁶-модда учинчи қисмининг**:

**иккинчи** ва **тўртинчи хатбошиларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан» деган сўзлар «давлат органларидан, хўжалик бошқаруви органларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»**ги 523–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **31-модданинг биринчи**, **олтинчи** ва **еттинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар тегишинча «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг», «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **31¹-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар тегишинча «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг», «Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **32²-модда** билан тўлдирилсин:

**«32²-модда. Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш**

Сенат ўз мажлисида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиши мумкин.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш тўғрисидаги масала Сенат томонидан унинг қўмиталари ташаббусига кўра кўриб чиқилади.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш тўғрисида Сенат қарор қабул қилади, қарор тегишли ҳокимларга олдиндан юборилади.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади»;

4) **32⁶-модданинг**:

**учинчи** ва **олтинчи қисмларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича Сенатнинг қўмиталари қарорлар қабул қилади, қарорлар тегишли давлат органига, хўжалик бошқаруви органига юборилади»;

**бешинчи қисмидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **32⁷-модда учинчи қисмининг**:

**иккинчи** ва **тўртинчи хатбошиларидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг» деган сўзлар «давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан» деган сўзлар «давлат органларидан, хўжалик бошқаруви органларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**19-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган **«Ипотека тўғрисида»**ги ЎРҚ–58-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 535-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда) **40-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш бўйича кимошди савдолари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда электрон онлайн-аукцион шаклида ўтказилади».

**20-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган **«Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»**ги ЎРҚ–60-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **16-моддасининг биринчи жумласи** «ўрганишни» деган сўздан кейин «шу жумладан фуқаролик жамияти институтларининг ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари иштирокида ўрганишни» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**21-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506-модда, № 10, 605-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **65-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси** «расмийлаштирилади» деган сўздан кейин «унда солиқ қарздорлиги ҳосил бўлган солиқ даври кўрсатилади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **96-модда**:

**биринчи қисми** «ва терроризмни молиялаштириш аниқланган» деган сўзлардан кейин «шунингдек ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Давлат солиқ хизмати органи товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишни кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларини беш банк кунигача бўлган муддатга вақтинча тўхтатиб туришга ҳақли.

Товарларни (ишларни, хизматларни) кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан реализация қилиш деб ушбу моддани қўллаш мақсадида қуйидагилар эътироф этилади:

камерал назорат жараёнида аниқланган, кирим қилинган ва реализация қилинган (сарфланган) товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларининг мос эмаслиги, худди шунингдек банк операцияларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг хусусияти ва турига мос эмаслиги;

солиқ текшируви жараёнида аниқланган, товарлар (ишлар, хизматлар) кирим қилинганлиги факти тўғрисида далолат берувчи ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги, алмаштириб қўйилганлиги, қалбакилаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги, реализация қилинмаган товарлар сифатида ҳисобга олинган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги;

хўжалик юритувчи субъектларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан реализация қилаётганлиги ҳолларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг жисмоний ва юридик шахслар томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилиши».

**22-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган **«Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–226-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 340-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **15-модданинг олтинчи қисмидаги** «ягона рақам — 01» деган сўзлар «ягона рақам — 101» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **34-модданинг**:

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ёнғин назорати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади»;

**учинчи қисми** «Миллий хавфсизлик хизматининг» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**23-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган **«Рақобат тўғрисида»**ги ЎРҚ–319-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 1, 5-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модда**:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

**«келишув** — икки ва ундан ортиқ тарафларнинг рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган, ҳужжатда ёки бир нечта ҳужжатда акс этган ёзма шаклдаги шартлашуви, шунингдек оғзаки шаклдаги шартлашуви»;

**саккизинчи — ўн тўртинчи хатбошилари** тегишинча **тўққизинчи — ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **10-модданинг биринчи хатбошисидаги** «Хўжалик юритувчи субъектнинг пировард натижада рақобатни чеклашга ва (ёки) бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини камситишга олиб келадиган ҳаракатлари» деган сўзлар «Хўжалик юритувчи субъектнинг пировард натижада рақобатни чеклашга ва (ёки) истеъмолчиларнинг, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини камситишга олиб келадиган тақиқланган ҳаракатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **11-модда**:

**номидаги «битимларини»** деган сўз **«келишувларини»** деган сўз билан алмаштирилсин;

**биринчи қисми**:

**биринчи хатбошисидаги** «битимлар» деган сўз «келишувлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

**ўнинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, тақиқланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи** ва **ўн иккинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«товарларни ишлаб чиқаришни иқтисодий ёки технологик жиҳатдан асоссиз равишда камайтиришга ва (ёки) тўхтатишга;

муайян сотувчилар ёки харидорлар (буюртмачилар) билан шартномалар тузишдан асоссиз равишда бош тортишга олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, тақиқланади»;

(Давоми 4-бетда).

